

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.07/30.12.2019.Ү.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**УТЕГЕНОВ ОНГАРБАЙ ДАРИЯБАЕВИЧ**

**ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ**  
**ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Content of the Doctoral (DSc) dissertation Abstract**

**Утегенов Онгарбай Дариябаевич**

Экология соҳасида жамоатчилик назоратини ҳуқуқий таъминлашни  
такомиллаштириш.....3

**Утегенов Онгарбай Дариябаевич**

Совершенствование правового обеспечения общественного контроля в сфере  
экологии.....27

**Utegenov Ongarbay Daryabaevich**

Improvement of legal support of public control in sphere of ecology.....49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSс.07/30.12.2019.Үн.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**УТЕГЕНОВ ОНГАРБАЙ ДАРИЯБАЕВИЧ**

**ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ**  
**ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.06 – Табiiй ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ**

**Юридик фанлар доктори (DSс) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Yu117 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Жураев Юлдаш Ачилович**  
юридик фанлар доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Файзиев Шухрат Ҳасанович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Нурматов Мирғолиб Мирзаевич**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Насриев Илхом Исмоилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 17 июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-66-36; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (922 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36.

Диссертация автореферати 2020 йил 2 июль куни тарқатилди.

(2020 йил 2 июльдаги 24 рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

**Д.Ю.Хабибуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**С.С.Гулямов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар

раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш муҳим ижтимоий-ҳуқуқий масалалардан бири саналади. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «дунёда ҳар тўртинчи одам ўлимининг сабаби ифлосланган муҳитдир, атроф-муҳитнинг зарарли омиллари дунёдаги 100 дан ортиқ хавфли касалликларни келтириб чиқармоқда, улар ҳар йили 12,6 млн. одамнинг барвақт ўлимига сабаб бўлмоқда, шу жумладан, биргина ҳавонинг ифлосланиши туфайли ҳар йили бутун дунё бўйлаб 5,5 млн. киши вафот этмоқда»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан экология соҳасида таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларининг жорий этилиши фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш воситаси сифатида баҳоланиб, ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда жамоатчилик экологик назорати турлари, функциялари, принциплари, объектлари ва субъектлари, жамоат экологик назоратини амалга оширишда экологик партияларнинг ўрни ва роли ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари, жамоат экологик назорати шакллари ва усуллари ҳамда унинг натижаларини рўёбга чиқариш муаммолари, иқтисодий ён яшиллаштириш сиёсатини омдалаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга инновацион усулларни татбиқ қилиш бўйича тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикаимизда жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, жамоат экологик назорати институтининг таъсирчан механизмларини жорий этиш, фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали уларни экологик муаммоларни ҳал этишга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор берилиб, мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш; инсонларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайитириш; атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Шу боис, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жамоат назоратини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш ҳамда жамоатчиликнинг экологик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатидаги экологик назорат функциясини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup> <https://ecotechnica.com.ua/ekologiya>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992), «Экологик назорат тўғрисида»ги (2013), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон, 2017 йил 21 апрелдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–5024-сон, 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5635-сон Фармонлари, 2019 йил 13 декабрдаги «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4551-сон Қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг 2012-2020 йилларга мўлжалланган «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мос келади.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. Жамоат экологик назорати соҳасида экологик-ҳуқуқий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Yale Center for Environmental Law and Policy (АҚШ), Humboldt Universitat (Германия), Cambridge University (Буюк Британия), National University of Seoul (Жанубий Корея), Kyoto University (Япония), Stockholm Environmental Law and Policy Centre (Швеция), Москва давлат университети (Россия), Беларусь давлат университети (Беларусь)да олиб борилмоқда.

Жамоат экологик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларга оид қайд этилган хорижий илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: жамоатчилик экологик назорати натижаларини оммавий ахборот воситаларида, Интернет ва ижтимоий тармоқларида эълон қилиш (Yale Center for Environmental Law and Policy, АҚШ), жамоатчилик экологик назорати натижаларини давлат органлари томонидан мажбурий кўриб чиқиш (Humboldt Universitat, Германия), экологик нодавлат нотижорат ташкилотларнинг махсус ҳуқуқий лаёқати (Cambridge University, Буюк Британия), экологик назоратнинг жамоатчи инспектори мустақиллигини ошириш (National University of Seoul,

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.ox.ac.uk>; <https://www.cam.ac.uk>; <http://www.hu-berlin.de>; <http://www.kyoto-u.ac.jp/en>; <https://www.useoul.edu>; <http://www.uu.se>; <https://www.uu.nl/en>; [www.rug.nl](http://www.rug.nl); <https://www.era.int>; <https://www.ut.ee>; <https://www.k6k.ee>; <https://www.msu.ru>; [www.iseu.bsu.by](http://www.iseu.bsu.by)

Жанубий Корея), фуқароларнинг экологик ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини конституциявий кафолатлаш (Kyoto University, Япония), аҳолининг экологик маданиятини ошириш (Stockholm Environmental Law and Policy Centre, Швеция), жамоат ташкилотларининг атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида судга даъво киритиш (Москва давлат университети, Россия), жамоатчилик экологик назорати субъекти учун йўриқнома ёки услубий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш (Беларусь давлат университети) билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугун дунёда экология соҳасида жамоатчилик назоратини такомиллаштиришга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: экология соҳасида жамоатчилик назоратининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш; атроф-муҳитга тааллуқли қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва муҳокамасини таъминлаш; экология соҳасида жамоатчилик назоратининг замонавий ва таъсирчан шакллари кенг жорий этиш ва бу соҳадаги қонун ҳужжатларининг яхлит тизимини шакллантириш; экология соҳасида жамоатчилик назоратининг натижаларини рўёбга чиқариш шакллари ва усулларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда жамоат экологик назоратига оид масалалар мустақил тадқиқот объекти сифатида яхлит ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Ю.А.Жураев, Ж.Т.Холмўминов, М.Б.Усмонов, Ш.Х.Файзиев, С.С.Ҳамроев, У.Т.Аюбов, Н.К.Скрипников, Ш.Шодиметов, Г.Ш.Узакова, Б.Ҳ.Калонов, Д.У.Арипов, М.М.Нурматов, Дж.И.Сафаров, Ў.Р.Ҳамраев, Н.Шоимов ҳамда жамоат назорати билан боғлиқ конституциявий-ҳуқуқий, назарий, ижтимоий-сиёсий масалалар эса, М.К.Нажимов, А.Йўлдошев, Н.Абдуазизова, Б.Б.Алихонов, С.Самойлов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда жамоат экологик назоратига оид масалалар С.Б.Зеллер, А.К.Нилссон, Д.Б.Файерстоун, Я.Фарҳана, Ж.Ф.Ҳенри, М.Жоурнеаулт, А.Шаҳ, Ф.А.Клевеланд, В.Стюарт, В.Биитҳам, И.Ишида, Э.С.Краусс каби ҳуқуқшунос олимлар асарларида тадқиқ этилган.

Турли йилларда ушбу муаммога оид тадқиқотлар МДҲ давлатлари олимлари Г.С.Башмаков, М.М.Бринчук, А.К.Голиченков, Б.В.Ерофеев, Л.В.Ильященко, О.С.Колбасов, Б.Д.Клюкин, А.В.Карасс, В.А.Красилов, В.В.Петров, М.Е.Певзнер, Е.К.Федоров (Россия Федерацияси), Ю.С.Щемшученко (Украина), С.Б.Байсалов ва Н.Б.Мухитдиновлар (Қозоғистон Республикаси) ҳамда назорат, жамоат назорати ва жамоатчиликнинг конституциявий ҳуқуқ, давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсатшунослик, социологияга оид жиҳатлари у ёки бу даражада Р.Н.Абрамов, Л.В.Акопов, Д.Б.Алексеев, М.Альберт, Л.А.Андреева, А.Аринин, Р.Э.Арутюнян, Д.Н.Бахрах, Н.Ю.Бондарь, Н.А.Бреславцева, К.К.Гасанов, А.А.Гончаров, Г.В.Грачев, Р.Дарендорф, О.С.Забралова, А.Л.Звездин, А.В.Зиновьев, В.Е.Карастелев, А.И.Козлов, Р.В.Колодин, О.Н.Коломытцева, Э.В.Кондратьев, Н.Н.Косаренко, Т.И.Кришталева,

О.В.Курныкина, А.Е.Лунев, М.Мескон, М.В.Мельник, О.А.Околёснова, А.В.Новиков, А.С.Пантелеев, В.В.Пылин, С.В.Пылин, Б.В.Россинский, Ю.Н.Старилов, Б.А.Страшун, А.М.Тарасов, Л.Н.Федотова, Ф.Хедоури, А.Н.Харитонов, Е.Н.Хмелева, И.Д.Хутинаев, В.Н.Шевченко, Е.С.Шугрина каби олимларнинг асарларида таҳлил қилинган<sup>4</sup>.

Гарчанд, ушбу олимларнинг илмий изланишларида экологик ҳуқуқнинг субъекти сифатидаги жамоат ташкилотларининг мақоми, ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий асослари у ёки бу даражада тадқиқ қилинган бўлса-да, жамоат экологик назоратининг объекти, субъекти, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, ушбу соҳага оид қонунчиликни қўллаш амалиёти ва уни янада изчил такомиллаштириш масалалари экология ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Шуни ҳам айтиш лозимки, танланган мазкур тадқиқот мавзусининг айрим қирралари муаллиф томонидан муқаддам амалга оширилган номзодлик диссертацияси доирасида ҳам кўриб чиқилган<sup>5</sup>. Ўтган йилларнинг кузатуви, турли ишланмаларнинг пайдо бўлиши ва суд-ҳуқуқни қўллаш амалиёти давомида дастлаб билдирилган фикр-мулоҳазалар янада пишди ва мазкур тадқиқот дунёга келди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот ишининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети Илмий кенгашининг 2019 йил 31 октябрдаги (2-сон баённома) мажлисида тасдиқланган ва университет илмий-тадқиқот режалари дастурига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи жамоатчилик томонидан экологик назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш, бу борадаги тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича назарий хулосалар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жамоат экологик назорати тушунчасига таъриф бериш ҳамда ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

жамоат экологик назоратига оид қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари ва замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

жамоат экологик назорати турлари, объектлари, функциялари ва принципларини аниқлаштириш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назорати субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақомини янада такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш;

---

<sup>4</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

<sup>5</sup> Утегенов О.Д. Жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш: Юрид. фан. номз. ...дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. 139 б.

жамоат экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш билан боғлиқ тартибини такомиллаштириш;

жамоат экологик назорати субъекти сифатида Ўзбекистон Экологик партиясининг ҳуқуқий ҳолатини тадқиқ этиш;

жамоат экологик назорати субъекти сифатида экологик назоратнинг жамоатчи инспектори фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

жамоат экологик назоратини амалга ошириш тартибининг юридик тавсифини шакллантириш;

жамоат экологик назорати шакллари ва усулларининг ҳуқуқий моҳиятини очиқ бериш;

жамоат экологик назорати натижаларини расмийлаштириш ва рўёбга чиқаришнинг юридик тартиб-таомилларини баҳолаш;

жамоат экологик назоратига оид хорижий давлатлар тажрибасини тизимли ўрганиш;

жамоат экологик назоратига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** жамоат экологик назоратини амалга ошириш бўйича вужудга келадиган экологик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жамоат экологик назоратини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, статистик, халқаро ҳамда хорижий тажрибага оид маълумотлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** Тадқиқот ишини ёзишда умумий илмий усуллар: мантикийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати субъекти эканлиги асосланган;

жамоатчилик экологик назорати натижаларини маълумотнома ёки ахборот тузиш шаклида расмийлаштириш зарурлиги асослаб берилган;

жамоатчилик экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш шакллари сифатида жамоатчилик экологик назоратининг натижалари ҳақида хабардор қилиш зарурлиги асосланган;

Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилигида экологик назоратнинг вазифалари ва «экологик назорат» тушунчаси ишлаб чиқилган;

атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлашда ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш зарурлиги асослаб берилган;

жамоатчилик экологик назоратини атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш усуллари орқали амалга оширилиши асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

экологик ҳуқуқларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши ҳамда фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш учун «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан тўлдириш зарурлиги асосланган;

ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш мақсадида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 29–30-моддаларини «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун билан ўзаро мувофиқлаштириш зарурати асослантирилган;

ер ва ер ости бойликлари соҳасида жамоатчилик назоратининг самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 84-моддасига ўзгартиш киритилиши ҳамда «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонунни алоҳида норма билан тўлдириш зарурати асослаб берилган;

экологик назорат объектларининг доирасини «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасидаги ва унинг 15–18-моддалари мазмунидан келиб чиққан ҳолда кенгайтириш зарурати асослантирилган;

нодавлат нотижорат ташкилотларнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқларини янада кенгайтириш учун «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига қўшимча киритиш зарурати асосланган;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сўрови институтининг киритилиши фуқаролар йиғинининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини мустаҳкамлашга Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 11–13-моддаларига киритилиши зарурати асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, шу жумладан, жамоат экологик назоратини амалга ошириш фаолиятида, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда

«Экология ҳукуқи», «Ер ҳукуқи» ва «Аграр ҳукуқ» фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида жамоат экологик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, шунингдек экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли органлар ва жамоатчилик тузилмаларининг экология соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижаларидан олинган илмий натижалар асосида:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати субъекти сифатида мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифлар янги таҳрирдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунларнинг 14-моддасида ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2017 йил 22 февралдаги 10-16/170-сон маълумотномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати субъекти сифатидаги мақомини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жамоатчилик экологик назорати натижаларини маълумотнома ёки ахборот тузиш шаклида расмийлаштириш ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасини шакллантиришда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги Д-07/203-сон маълумотномаси*). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши жамоатчилик экологик назорати натижаларини тўғри расмийлаштиришга хизмат қилган;

жамоатчилик экологик назорати натижаларини рўёбга чиқариш шакллари сифатида жамоатчилик экологик назоратининг натижалари ҳақида хабардор қилиш, экологик қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши юзасидан аниқланган факт бўйича чора-тадбирлар кўриш учун таклифлар киритишни мустаҳкамлашга оид тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунининг 22-моддасини такомиллаштиришда инобатга олинган (*Ўзбекистон Республикаси Олий*

*Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги Д-07/203-сон маълумотномаси).* Ушбу таклифнинг амалга оширилиши жамоатчилик экологик назорати натижалари аниқланган факт бўйича чора-тадбирларни тўғри расмийлаштиришга хизмат қилган;

давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизими сифатида экологик назорат тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифи Қорақалпоғистон Республикаси «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида ўз аксини топган (*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қонунийлик, суд-ҳуқуқ ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари масалалари қўмитасининг 2016 йил 16 майдаги 03-277-сон маълумотномаси).* Ушбу таклифнинг амалга оширилиши экологик ҳуқуқ тизимида ва қонунчиликда янги илмий-назарий тушунча билан бойитилишига хизмат қилган;

экологик назоратнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш вазифасини белгилашга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасида ўз аксини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги Д-07/203-сон маълумотномаси).* Ушбу таклифнинг амалга оширилиши жамоатчилик назоратида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролар иштирокини таъминлашга хизмат қилган;

жамоатчилик экологик назоратини атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш усуллари орқали амалга оширишга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасида ўз ифодасини топган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2016 йил 2 июндаги Д-07/203-сон маълумотномаси).* Ушбу таклифнинг амалга оширилиши жамоатчилик экологик назоратини атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш, баҳолаш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш усуллари таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 39 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 35 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 21 та (17 та республика ва 4 та хорижий журналларда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 230 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жамоат экологик назорати: илмий-ҳуқуқий институт сифатида шаклланиши ва ривожланиши»** деб номланиб, унда жамоат экологик назорати фуқаролик жамиятининг долзарб функцияси экани, жамоат экологик назорати илмий-ҳуқуқий тавсифларининг шаклланиши ва такомиллашуви, жамоат экологик назорати институтининг мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Олиб борилган таҳлиллар мобайнида «жамоат экологик назорати» тушунчасига қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифи берилган: *«жамоат экологик назорати – бу қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш, соғлиқ ва мулкка етказилган зарарни қоплатиш, экологик ахборотларни талаб қилиб олиш ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бошқа экологик ҳуқуқларни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижро этилишини назорат қилишга, унинг талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан амалга ошириладиган экологик назорат туридир»*.

Муаллиф жамоат экологик назоратга оид қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари ўтган йиллар давомида ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтганини қайд этиб, ушбу даврни қуйидагича босқичларга бўлишни таклиф қилади:

Биринчи босқич – 1991-2000 йиллар – жамоат назорати, шу жумладан, жамоат экологик назоратига оид муносабатларни тартибга солишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ушбу босқичда экология

соҳасидаги аксарият қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ушбу муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий базис яратилди.

Иккинчи босқич – 2001-2009 йиллар – жамоат экологик назоратини амалга оширишнинг институциявий асослари мустаҳкамланди, экология соҳасида жамоат ва парламент назоратини амалга оширишни уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш тизими жорий этилди, экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими такомиллаштирилди.

Учинчи босқич – 2010-2016 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бунда – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» эълон қилинди, жамоат экологик назоратининг яхлит консолидациялашган асослари яратилди, жамоат назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назорати субъекти сифатидаги мақоми такомиллаштирилди.

Тўртинчи босқич – 2017 йилдан – ҳозирга қадар жамоат экологик назорати институтининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилди. Уни тавсифлашда «Янги Ўзбекистон – янги экологик сиёсат» принципи қарор топганлиги таъкидланиб, жамоат экологик назорати институти мисли кўрилмаган ривожланиш босқичида экани асослантилди.

Жамоат экологик назоратининг объектларини атроф табиий муҳит – табиий тизимлар, табиат объектлари ва табиат бойликлари эканини ва жамоат экологик назоратининг функциялари: 1) жамоат экологик назоратининг ахборот функцияси, 2) жамоат экологик назоратининг огоҳлантирувчи функцияси, 3) жамоат экологик назоратининг ўзгартирувчи функцияси, 4) жамоат экологик назоратининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси, 5) жамоат экологик назоратининг прогноз қилиш функцияси, 6) жамоат экологик назоратининг иштирок этиш функцияси таҳлил қилинади. Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлашда намоён бўлишини ва унинг принциплари сифатида: 1) қонунийлик; 2) жамоат экологик назорати олиб боришнинг ошкоралиги; 3) жамоат экологик назорати хулосасининг холислиги; 4) жамоат экологик назорати хулосасининг илмий асослантилганлиги; 5) жамоат экологик назорати экспертларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида мустақиллиги; 6) жамоат экологик назорати комплекслиги; 7) умуминсоний ва экологик қадриятларнинг ҳўжалик фаолиятдан устуворлиги ва бошқаларни ажратиб кўрсатади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жамоат экологик назорати субъектларининг ҳуқуқий ҳолати ва уни янада такомиллаштириш муаммолари**» деб номланиб, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назорати субъекти сифатидаги ҳуқуқий

мақомини янада такомиллаштириш, жамоат экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўрни ва роли, жамоат экологик назорати субъекти сифатида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Экологик партиясининг ҳуқуқий ҳолати, жамоат экологик назорати субъекти сифатида экологик назоратнинг жамоатчи инспектори фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари каби масалалар тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат экологик назоратини амалга оширишдаги ваколатларини урта моделга ажратади:

*Биринчи модель* фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоат экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларга нисбатан бирламчи, устувор ўрин беради. Сўнгги йилларда амалдаги тармоқ экологик қонунчилигида айнан ушбу модель устунлик қилиб келмоқда, таъбир жоиз бўлса, замонавий тенденцияга айланмоқда (Ер кодекси, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонун, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун ва бошқаларда).

*Иккинчи модель* жамоат экологик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг тенг ҳуқуқий ҳолатини кўзда тутди. Масалан, 2004 йил 3 декабрдаги «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар ҳам жамоат экология назоратини амалга оширишда тенг ва бир хил ҳажмда ваколатларга эга экани нормаланади.

*Учинчи модель* эса, жамоат экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларга қўшимча имтиёз берилишини кўрсатиб ўтади.

Диссертацияда Ўзбекистон экологик партияси Ўзбекистон фуқароларининг бугунги ва келажак авлодларини қулай шароитда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар саломатлигига йўналтирилган тизимли ўзгаришларга жамиятнинг барча кучларини бирлаштиришга даъват қилиши билан боғлиқ мақсадлари ёритилади. Айни дамда Экологик партия томонидан жамоат экологик назоратини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Экологик партияда жамоат экологик назоратини парламент назорати билан уйғунлаштириш имконияти мавжуд. Бу юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида жамоат экологик назоратининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Тадқиқотчи фуқароларнинг жамоат экологик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқлари (17-модда) билан таққослаш қуйидагиларни кўрсатаётганлиги тўғрисида хулосага келади: *биринчидан*, экологик

назоратнинг жамоатчи инспектори оддий фуқаролар жамоат экологик назорати соҳасида амалга ошириши мумкин бўлган учта ҳуқуққа эга эмаслигини, *иккинчидан*, фуқаролар шахсан амалга ошириши мумкин бўлган битта ҳуқуқни бевосита реализация қилолмаслиги, яъни экологик назоратнинг жамоатчи инспектори қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган фактни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот олиш учун тегишли давлат органларига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ва (ёки) нодавлат нотижорат ташкилотининг мурожаатини тайёрлашда иштирок этиши мумкин холос, лекин ўзи шахсан мурожаат қилиб, ахборот ололмаслигини, *учинчидан*, экологик назоратнинг жамоатчи инспектори фуқаролар амалга ошира олмайдиган учта ҳуқуқни амалга ошира олишини кўзда тутади.

Тадқиқотчи экологик назоратнинг жамоатчи инспекторининг жамоат экологик назорати субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини такомиллаштириш мақсадида унинг ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини экологик назоратнинг жамоатчи инспектори жамоат экологик назорати соҳасида фуқаролар амалга ошириши мумкин бўлган ҳуқуқларга (атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш; экологик назорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг ўзи томонидан аниқланган факти тўғрисида махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиш) эга бўлиши, шунингдек мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган фактни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларига шахсан мурожаат қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлигини қайд этади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Жамоат экологик назоратини амалга ошириш ва унинг натижаларини расмийлаштириш ҳамда рўёбга чиқаришни ҳуқуқий таъминлаш масалалари»** деб номланиб, унда жамоат экологик назоратини амалга ошириш тартибининг юридик тавсифи, унинг шакллари ва усулларининг ҳуқуқий моҳияти ҳамда жамоат экологик назорати натижаларини расмийлаштириш ва рўёбга чиқаришнинг юридик тартиб-таомиллари масалалари илмий, амалий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Тадқиқотчи жамоатчилик экологик назоратини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда жамоатчи инспекторлар томонидан амалга оширишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Хусусан, муаллиф томонидан нодавлат

нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади: нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоатчилик экологик назоратини ўз уставдаги вазифаларига мувофиқ амалга оширадилар; нодавлат нотижорат ташкилотлари уставларида кўрсатилган фаолият ҳудуди (вилоят ёки республика) доирасида амалга оширадилар; экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантиришда иштирок этади, жамоатчилик экологик назорати масалалари бўйича белгиланган тартибда Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида ресурсларни ташкил қилади, оммавий ахборот воситаларини таъсис этади; экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва илмий-техникавий кенгашларни ташкиллаштиришда ташаббускорлик кўрсатади; жамоатчилик эшитувларини ўтказишда ташаббускорлик қилади ва ўтказди; жамоатчилик экологик назорати бўйича фаолиятни моддий ва молиявий таъминлаш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилот мол-мулкани шакллантиришнинг ўзига хос манбалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда тадқиқотчининг ҳулоса қилишича, фуқароларнинг жамоатчилик экологик назорати субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолати таҳлили у асосан кўмакчи вазифасини бажаришини кўрсатмоқда. Чунки, жамоатчилик экологик назорати субъекти бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари асосан муайян ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этиш ва кўмаклашиш билан чекланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон Қарори билан тасдиқланган «Экологик назоратнинг жамоатчи инспектори тўғрисида»ги намунавий низомда экологик назоратнинг жамоатчи инспектори томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби белгиланган.

Ишда жамоат экологик назорати шакллари ва усулларининг мазмун-моҳияти очиб берилган ҳамда восита ва усулларни қуйидагича биринчи гуруҳга қонун ижодкорлиги соҳасидаги жамоат назорати киритилади. Жамоат назоратининг мазкур шакли жамоатчиликнинг қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш, қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда қонун лойиҳаларига таклифлар ишлаб чиқиш, қонунлар ижросини таъминлашни талаб қилиш сингари усул ва воситалар мажмуини қамраб олади.

Иккинчи гуруҳга жамоатчилик экологик назоратининг яна бир шакли сифатида фуқароларнинг экологик масалалар юзасидан ўз фаолликларини бевосита амалга ошириши киритилади. Учинчи гуруҳга жамоатчилик экологик назоратининг муҳим шаклларида бири сифатида жамоат экологик экспертизаси киритилади. Жамоат экологик экспертизаси фуқароларнинг атроф табиий муҳит соҳасида жамоатчилик назоратини олиб боришларининг асосий усулидир. Тўртинчи гуруҳга жамоатчилик экологик назоратини

амалга оширишнинг яна бир шакли сифатида аҳолининг экологик-ҳуқуқий онгини ошириш бўйича фаолияти кўрсатилади.

Тадқиқотчи томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Жамоат экологик назоратига оид хорижий тажриба ҳамда унинг миллий қонунчилик асосларини такомиллаштиришга таъсири»** деб номланиб, унда жамоат экологик назоратига оид хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили ҳамда жамоат экологик назоратига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари тадқиқ этилган.

Ушбу бобда жамоатчилик кенгашларини шакллантиришнинг уч асосий йўли: 1) жамоатчилик кенгаши аъзоларини сайлаш; 2) жамоатчилик кенгаши аъзоларини ҳокимият органи томонидан тайинлаш; 3) жамоатчилик кенгашига аъзоликни хабардор қилиш тартибида амалга ошириш таҳлил этилади. Кўпчилик давлатларда аралаш тартиб ҳам амал қилиши, яъни жамоатчилик кенгашининг бир қисм аъзолари сайланиши, қолганлари тайинланиши муҳим роль ўйнаши аниқланади.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 32-моддасида жамоат экологик назоратини атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари аниқлаштирилиб, *биринчидан*, жамоат экологик назорати тушунчасининг мазмунини очиб бериш ва *иккинчидан*, жамоат ташкилотларининг ваколатларини тўлиқ баён қилиш мақсадга мувофиқлигига урғу берилди.

Тадқиқотчи хорижий мамлакатларда қўлланилаётган жамоат назорати шаклларида ва уларнинг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ҳам «Жамоат экологик назоратини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомни қабул қилиш мақсадга мувофиқ, - деган хулосага келади. Бу борада тадқиқотчи томонидан 7 боб, 87 банддан иборат бўлган «Жамоат экологик назоратини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда диссертацияга илова қилинган.

## ХУЛОСА

Жамоат экологик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги хулоса, таклиф-тавсиялар асослантирилди:

### I. Илмий-назарий хулосалар:

1.1. Жамоат экологик назоратига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: *«жамоат экологик назорати – бу қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш, соғлиқ ва мулкка етказилган зарарни қоплатиш, экологик ахборотларни талаб қилиб олиш ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бошқа экологик ҳуқуқларни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижро этилишини назорат қилишга, унинг талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан амалга ошириладиган экологик назорат тури».*

1.2. Жамоат экологик назоратининг қуйидаги ўзига хос *хусусиятлари* ажратиб кўрсатилди: 1) жамоат экологик назорати субъектининг ўзига хос ҳуқуқий ҳолати (экологик назоратнинг ушбу тури фуқаролик жамияти институтлари – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан амалга оширилади); 2) жамоат экологик назорати субъектлари ваколатларининг ўзига хос табиати (ваколатлар асосан иштирок этиш, кузатиб бориш, таклифлар киритиш, хабардор қилиш, мурожаат этиш, ахборот олиш, ҳисоботлар эшитиш, ҳамкорлик қилиш, кўмаклашиш кабилардан иборат бўлиб) ва хусусиятига эга; 3) жамоат экологик назорати шакллари ва усулларининг ўзига хослиги (жамоат экологик назорати атроф-муҳит ҳолатини ва унинг ўзгаришларини, экологик қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини, экологик дастурларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш; давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш; тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитиш; жамоат экологик экспертизасини ўтказиш; атроф-муҳит ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали амалга оширилади); 4) жамоат экологик назорат натижаларини расмийлаштиришнинг ўзига хос тартиби белгиланганлиги (белгиланган тартибда маълумотнома ёки ахборот тузиш орқали расмийлаштирилади); 5) жамоат экологик назорати натижаларини рўйбга чиқариш шакллариининг ўзига хослиги (жамоат экологик назорат натижалари махсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларни жамоатчилик экологик назоратининг

натижалари ҳақида хабардор қилиш; тегишли давлат органларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши юзасидан аниқланган факт бўйича чора-тадбирлар кўриш учун таклифлар киритиш орқали рўёбга чиқарилади).

1.3. Мамлакатимизда жамоат экологик назоратига оид қоидалар шаклланиш ва ривожланиш тарихини шартли равишда тўрт босқичга бўлиб даврлаштирилди. *Биринчи босқич* – 1991-2000 йиллар – жамоат назорати, шу жумладан, жамоат экологик назоратига оид муносабатларни тартибга солишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ушбу босқичда экология соҳасидаги аксарият қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ушбу муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам ҳуқуқий базис яратилди. *Иккинчи босқич* – 2001-2009 йиллар – жамоат экологик назоратини амалга оширишнинг институционал асослари мустаҳкамланди, экология соҳасида жамоат ва парламент назоратини амалга оширишни уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш тизими жорий этилди, экология соҳасидаги қонун ҳужжатлари тизими такомиллаштирилди. *Учинчи босқич* – 2010-2016 йиллар – Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» эълон қилинди, жамоат экологик назоратининг яхлит консолидациялашган асослари яратилди, жамоат назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назорати субъекти сифатидаги мақоми такомиллаштирилди. *Тўртинчи босқич* – 2017 йилдан – ҳозирга қадар жамоат экологик назорати институтининг алоҳида ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилди. Уни тавсифлашда «Янги Ўзбекистон – янги экологик сиёсат» принципи қарор топганлиги таъкидланиб, жамоат экологик назорати институти мисли кўрилмаган ривожланиш босқичида эканлиги асослантилди.

1.4. Жамоат экологик назоратининг *маснифи* ишлаб чиқилди: босқичларига қараб – оғоҳлантирувчи, жорий ва кейинги жамоат экологик назорати; субъектларига боғлиқ равишда – умумий жамоат экологик назорати ва махсус жамоат экологик назорати; шаклига кўра – ахборот шаклидаги; таҳлилий жамоат экологик назорати; иштирок этиш шаклидаги; муҳокама қилиш шаклидаги.

1.5. Жамоат экологик назоратининг объекти сифатида атроф табиий муҳит – табиий тизимлар, табиат объектлари ва табиат бойликлари ўзаро муносабатда ва боғланган ҳолда тушунилади. Табиат – моддий дунё объектлари ва тизимларининг табиий ҳолатдаги жамланмаси сифатида космос, қуёш, ерни ўз ичига олган бутун борлиқни англатади.

1.6. Жамоат экологик назоратининг ахборот олиш, ижтимоий оғоҳлантириш, ўзгартириш киритиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прогноз қилиш ва иштирок этиш каби *функциялари* ажратиб кўрсатилди ва таҳлил қилинди.

1.7. Жамоат экологик назорати қонунийлик, жамоат экологик назорати олиб боришнинг ошкоралиги, жамоат экологик назорати хулосасининг холислиги, жамоат экологик назорати хулосасининг илмий асослантирилганлиги, жамоат экологик назорати экспертларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида мустақиллиги, жамоат экологик назоратининг комплекслилиги, умуминсоний ва экологик қадриятларнинг хўжалик фаолиятидан устуворлиги каби *тамоийиллар* асосида амалга оширилиши лозим.

1.8. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат экологик назоратини амалга ошириш ваколатининг қуйидаги ўзига хос *хусусиятлари* аниқланди: 1) ваколатлар доираси ўзига хос бўлиб, жамоат экологик назоратининг бошқа субъектлари ваколатли бўлмаган жамоат экологик назорати усулларида фойдалана олади; 2) ваколатлар табиати ўзига хос – жамоат экологик назоратининг бошқа субъектларидан фарқли равишда, улар томонидан амалга ошириладиган айрим жамоат экологик назорати усуллари қатъий ва мажбурий; 3) сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва қонунларга киритилган қўшимчалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоат экологик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларга нисбатан устуворлик бермоқда; 4) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таркибида улар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия фаолияти билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлар.

